O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

FARMATSEVTIKA
TARMOG ‘INI RIVOJLANTIRISH
AGENTLIGI

100084, Toshkent shahri, Chingiz Aytmatov ko‘chasi, 1“a”
Tel.: (998 71) 234-06-04 Faks: (998 71) 235-06-73
e-mail: farmagentlik@minzdrav.uz, uzfarm@inbox.ru

MINISTRY OF HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

AGENCY ON DEVELOPMENT
OF THE PHARMACEUTICAL
INDUSTRY

1“a” Chingiz Aytmatov str., Tashkent, 100084
Tel.: (998 71) 234-06-04, Fax: (998 71) 235-06-73
e-mail: farmagentlik@minzdrav.uz, uzfarm@inbox.ru

2021 й. “07” 01 №25-20/0066 «____» ___________ 2021 г.

**Республика худудида**
**фаолият юритаётган**
**дорихоналарга**

**Кўрсатма хат**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига айрим фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда “Smart medical pharm” ҳамда “BILLUR MEDICAL TRADE” МЧЖлар томонидан ишлаб чиқарилган “Этиловый спирт 70 % 50 мл” ҳамда “Меновазин” маҳсулотлари сифатидан норози эканлиги билдирилган.

“Smart medical pharm” ҳамда “BILLUR MEDICAL TRADE” МЧЖлар дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган лицензиатлар реестрида мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу корхоналар томонидан “Этиловый спирт 70 %” ҳамда “Меновазин” маҳсулотлари ноқонуний йўллар билан ишлаб чиқарилганлигини эътиборингизга етказиб, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини сақлаш ва (ёки) реализация қилишга йўл қўймаслигингиз, ушбу холатлар лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатилишига олиб келадиган, лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузилиши ҳолатлари эканлиги ҳақида Агентлик Сизларни **огоҳлантиради**.

Шу ўринда, ушбу корхоналарнинг ноқонуний фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига мурожаатнома юборилганлиги маълум қилинади.

**Директор** **С.Кариев**

*Ижр: Г.Зуфарова*
*О.Акбаров*
*тел: 71 234 76 68*